

Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозодага “Фахрий доктор” унвони берилди



22:09 / 24.11.2023 1240

Бугун, 24 ноябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг тўртинчи йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозодага Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Уйғун Ғофуров Илмий кенгашнинг **“Фахрий доктор”** илмий унвонини топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Комилов ушбу юксак эътироф Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозоданинг қардош халқлар муносабатларини ривожлантириш, Ислам дини маърифатини кенг ёйиш, мўмин-мусулмонлар ҳамжихатлигини

мустаҳкамлаш ҳамда илмий-ижодий фаолиятларидаги самарали меҳнатларининг натижаси эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида Шайхулисом Оллоҳшукур Пошозода юксак эътибор ва эҳтиромдан чексиз мамнун эканлигини изҳор этиб, эришган ютуқ ва муваффақиятлари замирида шу юрт устозларидан олган сабоқлари, йўл-йўриқлари мужассам эканлигини билдирдилар.

Шайхулисом ушбу унвон катта масъулият эканлиги, унга муносиб бўлиш учун куч-ғайрат ва салоҳиятини сарфлашини маълум қилди.





